10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
10:10 "Али, Вали, Уяни ёхуд Насиба қиз" б/ф
11:45 "Муенка вақти" дастури
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи
12:10 Кутилмаган томоша
12:20 Форум вақти
12:30 "Тошойна" кўрсатуви
13:00 "Онлайн хабарлар" информацион блок
13:05 "Улан" б/ф
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
15:10 Форум вақти
15:45 "Муенка вақти" дастури
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи
16:10 "Клон" т/с (147-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви
17:20 Форум вақти
18:00 "Янги аялов" студияси намойиш этади
18:10 Мультифильм
18:30 "Жийда гули" т/с (14-қисм)
19:00 "Муенка вақти" дастури
19:20 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
19:40 "Клон" т/с (148-қисм)
20:30 "Хулаа" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Чой устида" кўрсатуви
21:30 "Медальон" б/ф
21:30 "Муенка вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал:
"Ноттинг Хила" б/ф
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

Сешанба

06:00 "Асрлар салоси" дастури
06:30 "Файзли тонг" дастури
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муенка вақти" дастури
09:00 "Хулаа" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Жийда гули" т/с
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
10:10 "Керагмисан" б/ф
11:45 "Муенка вақти" дастури
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи
12:10 Кутилмаган томоша
12:20 "Хаёт учун" кўрсатуви
12:30 "Ендирали кулдирали" кўрсатуви
13:00 "Онлайн хабарлар" информацион блок
13:10 "Хеч қандай 'йук' леми" б/ф
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
15:10 Форум вақти
15:45 "Муенка вақти" дастури
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи
16:10 "Клон" т/с (148-қисм)

16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви
17:20 Форум вақти
18:00 "Янги аялов" студияси намойиш этади
18:10 Мультифильм
18:30 "Жийда гули" т/с
19:00 "Муенка вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
19:40 "Клон" т/с (149-қисм)
20:30 "Хулаа" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
21:05 "25 кадр" кўрсатуви
21:30 "Қойилмақом режа" б/ф
23:45 "Муенка вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал:
"Бессоница" б/ф
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

Чоршанба

06:00 "Асрлар салоси" дастури
06:30 "Файзли тонг" дастури
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муенка вақти" дастури
09:00 "Хулаа" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Жийда гули" т/с (15-қисм)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
10:10 "Уяни ичди уяни" б/ф
11:45 "Муенка вақти" дастури
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи
12:10 Кутилмаган томоша
12:20 "Супер келинчак" теле-шоу
13:00 "Онлайн хабарлар" информацион блок
13:10 "Чегарасиз" б/ф
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
15:10 Форум вақти
15:45 "Муенка вақти" дастури
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи
16:05 "Клон" т/с (149-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви
17:20 Форум вақти
18:00 "Янги аялов" студияси намойиш этади
18:10 Мультифильм
18:30 "Жийда гули" т/с (16-қисм)
19:00 "Муенка вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
19:40 "Клон" т/с (150-қисм)
20:30 "Хулаа" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Тошойна" кўрсатуви
21:30 "Янги ўримчак олам" б/ф
23:45 "Муенка вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Кто я?" б/ф
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

Пайшанба

06:00 "Асрлар салоси" дастури
06:30 "Файзли тонг" дастури
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муенка вақти" дастури
09:00 "Хулаа" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Жийда гули" т/с

09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
10:10 "Кенжикан хаёт" б/ф
11:45 "Муенка вақти" дастури
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи
12:10 Форум вақти
12:30 "Чой устида" кўрсатуви
13:00 "Онлайн хабарлар" информацион блок
13:10 "Солт" б/ф
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
15:10 Форум вақти
15:45 "Муенка вақти" дастури
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи
16:05 "Клон" т/с (150-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви
17:20 Форум вақти
18:00 "Янги аялов" студияси намойиш этади
18:10 Мультифильм
18:30 "Жийда гули" т/с
19:00 "Муенка вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
19:40 "Клон" т/с (151-қисм)
20:30 "Хулаа" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Ендирали кулдирали" кўрсатуви
21:30 "Кутилмаган тақдир" б/ф
23:45 "Муенка вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Найти Форрестера" б/ф
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

Жума

06:00 "Асрлар салоси" дастури
06:30 "Файзли тонг" дастури
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муенка вақти" дастури
09:00 "Хулаа" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Жийда гули" т/с
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
10:10 "Омад" б/ф
11:45 "Муенка вақти" дастури
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи
12:10 Кутилмаган томоша
12:20 Форум вақти
12:30 "25 кадр" кўрсатуви
13:00 "Онлайн хабарлар" информацион блок
13:05 "Гаровали қиз" б/ф
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
15:10 Форум вақти
15:45 "Муенка вақти" дастури
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи
16:05 "Клон" т/с (151-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви
17:20 Форум вақти
18:00 "Янги аялов" студияси намойиш этади
18:10 Мультифильм
18:30 "Жийда гули" т/с
19:00 "Муенка вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида" информацион блок
19:40 "Клон" т/с (152-қисм)
20:30 "Хулаа" ахборот-

таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт"
иктисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Қопқон" кўрсатуви
21:30 "Қочқор" б/ф премьераси
23:45 "Муенка вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал:
"Хэнкок" б/ф
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

Шанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури
06:30 "Тошойна" кўрсатуви
07:00 "Муенка вақти" дастури
07:30 "Хулаа" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
08:00 "Муенка вақти" дастури
08:30 Болалар соати
09:00 "Comedy.UZ" теле-шоу
09:30 "Телба" б/ф
11:30 "25 кадр" кўрсатуви
12:00 "Дилдор ширин" мусиқий-дам олиш дастури
13:30 "Янги ўримчак олам" б/ф
15:00 "Муенка вақти" дастури
16:00 "Қопқон" кўрсатуви
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу викторинаси
18:00 "Қочқор" б/ф (1 қисм)
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Дилшав дилшав" теле-шоу
21:00 "Озода шоу" кўнглинчар кўрсатуви
22:00 "Чунки бу тақдир" б/ф (Хиндистон)
01:15 "Муенка вақти" дастури
01:30 Тунги кинозал: "2012" б/ф
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

Якшанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури
06:30 "Чой устида" кўрсатуви
07:00 "Муенка вақти" дастури
07:30 "Информацион блок"
08:00 "Буни ҳаёт дейдилар"
08:30 "Ендирали кулдирали" кўрсатуви
09:00 Болалар вақти
09:30 "Кезалик куйралик" кўрсатуви
10:00 "Узаклар ҳўқмолори - 01" б/ф
11:45 "Муенка вақти" дастури
12:00 "Файзли дастурхон" дастури
12:10 "Озода шоу" кўнглинчар кўрсатуви
13:00 "Супер келинчак" телешоуи
13:40 "Дилшав дилшав" телешоуи
15:00 "Трансформерлар-3" б/ф
16:30 "Парламент соати" ахборот-таҳлилий дастури
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу викторинаси
18:00 "Word on the street" кўрсатуви
18:30 "Қочқор" б/ф (2 қисм)
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Яшил олма" кўрсатуви
19:50 "Супер келинчак" теле-шоу
20:30 "Дилдор ширин" мусиқий-дам олиш дастури
21:35 "Comedy.UZ" теле-шоу
22:00 "Макрли дунё" б/ф
00:15 "Муенка вақти" дастури
00:30 Тунги кинозал: "Начало" б/ф

Мамлакатимиз дастурчилари томонидан архив муассасалари учун махсус "Архив маълумотномаларини расмийлаштириш" компьютер дастури ишлаб чиқилди. Илгари қўлда амалга ошириладиган ҳисоб-китобларнинг барчаси энди автоматик равишда бажарилади. Бу эса нафақат вақтни тежаш, балки ҳужжатларни тўлдиришда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш имконини беради.

Ахборот-коммуникация технологиялари инсон фаолиятининг барча соҳаларига, шу жумладан, архив муассасалари ишига ҳам кириб келди. Архив ва кутубхоналар фаолиятига АКТларнинг жорий этилиши ҳужжатли ахборотдан, масофадан туриб фойдаланиш, архивлар маълумотларини илмий таҳлил қилиш имкониятларини кенгайтиради, архившуносликнинг янги воситаларини тақдим этади, ҳужжатлар ва маълумотномаларни энг замонавий электрон шаклларда чоп этиш имконини беради, архивлардаги ахборот ресурсларининг жаҳон кибермаконига интеграциялашувига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори архив ҳужжатларини сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш, улардан фойдаланиш жараёнларига замонавий технологияларни жорий этишда муҳим дастурламал бўлиб хизмат қилмоқда.

— Бугунги кунда мамлакатимизда 102 давлат архиви фаолият юритмоқда. Миллий архив фондида сақланаётган ҳужжатлар ҳажми эса 8,4 миллион сақлаш бирлигига етди, уларни сақлаш ва қўллаш учун етарли шарт-шароитлар яратилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги "Ўзархив" агентлиги бош директори ўринбосари Д.Кўчарова. — Давлат архивлари билан бир қаторда, шаҳар ва туман ҳокимликлари қошида ташкил этилган 115 шахсий таркиб бўйича ҳўжалик ҳисобидаги идораларо архивлар, шунингдек, уч миллионга яқин сақлаш бирлигига эга 17 нодавлат архив ҳам фаолият юритмоқда. Давлат архивлари барча ташкилотлар ва жисмоний шахслар томонидан тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳаммасини қабул қилиши мураккаблиги, аслида бунинг иложи йўқлиги сабабли келажакда нодавлат архивлар сови тобора ортиб бориши кутилмоқда. Шу мақсадда тегишли метёрий-ҳуқуқий база яратилиб, унда архивларнинг вазифа ҳамда ваколатлари, фаолият турлари аниқ белгилаб берилган, архив мақомига даъвогарлик қилаётган муассасанинг аниқ таърифи келтирилган.

Айни вақтда архивлар фақат архивларга хос бўлган фаолият билан, масалан, архивларни архив ҳужжатлари билан тўлдириш, ўрнатилган тартибда ташкилотлар ҳужжатлари билан илмий-техникавий жиҳатдан ишлаш, ташкилотлар ҳужжатларини депозитар сақлаш, ташкилотларга иш юритиш ва архив ишига доир метёрий ҳужжатларни тузиш хизматларини кўрсатиш билан шугулланишлари белгиланган.

Мамлакатимиз давлат архивларида сақланаётган 552 минг сақлаш бирлиги алоҳида қимматли ва ноёб деб эътироф этилган. Улар ўчмас тарихий-маданий ва илмий қимматга, жамият ҳамда давлат учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб,

Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, XI боб, 49-модда.



ўзида мавжуд бўлган ахборот ёки ташки белгилари бўйича ўхшашли йўқдир. Улар йўқотилган тақдирда аҳамияти ва асл қўлёзмалиги нуқтаи назаридан ўрнини тўлдириб бўлмайди, шу сабабли уларга нисбатан ҳисобга олиш, сақлаш ва фойдаланишнинг алоҳида тартиби жорий этилган.


Алоҳида қимматли ва ноёб архив ҳуж-

ҳамда уларни техник модернизациялаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси самарасида қисқа муддатда салмоқли натижаларга эришилди. Хусусан, учта давлат архиви ўртасида ягона ахборот тармоғи яратилди. Архивларда сервер ва бошқа жиҳозларнинг ўрнатилиши барча давлат архивларида сақланаётган маълумотларнинг йирик ягона банкни

ҳужжатлар сақланади, улар давлат ва маданият нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга молик. Бугунги кунда архивда 19 мингдан ортиқ кино, 237 минг фото, 15 минг фоноҳужжатлар сақланмоқда. Уларнинг аксарияти жаҳонда ўхшашли йўқ алоҳида қимматга эга ва ноёб ҳужжатлардир.

Архивнинг янги ускуналари кино,

Архивлаштириш тизимида махсус компьютер дастури



жатларини келгуси авлодлар учун безавол сақлаш мақсадида барча марказий ва вилоятлардаги давлат архивларида уларни рақамлаштириш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Бу архив ҳужжатларини консервация қилиш, тадқиқотчи ва фойдаланувчиларга ҳужжатларнинг электрон нусхалари билан ишлаш имконини беради. Маълумки, қоғоз ҳолидаги ҳужжатларга жисмоний зарар етказилиши асосан улардан фойдаланиш чоғида рўй беради. Ҳужжатларнинг электрон (рақамлаштирилган) нусхаларининг яратилиши нафақат фойдаланувчиларга қулайлик яратади, балки асл ҳужжатга жисмоний зарар етказилишининг олдини олади. Бугунги кунга келиб 900 минг ыарак ҳужжатнинг электрон нусхалари яратилди. Рақамлаштириш ишлари энг замонавий жиҳозлар ёрдамида, ихтисослаштирилган дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда.

— Архив ҳужжатларининг рақамли нусхаларини яратиш учун бизда "Алоҳида қимматли ҳужжатларнинг электрон нусхаларини яратиш" сектори ташкил этилган бўлиб, бу ерда алоҳида аниқликка эга махсус сканерлардан фойдаланилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви директори ўринбосари А.Маҳаматов. — Бундай сканерлардан бири ахборотни йўқотмасдан ва ҳужжатларга зарар етказмасдан энг қалин жилд ва каталогларни ҳам сканер қилиш имконини беради. Кейинчалик рақамли нусхаларининг барчаси ягона маълумотлар базасига киритилган ҳамда улардан фуқаролар ва биз билан ягона ахборот тармоғи орқали уланган бошқа республика архивлари фойдаланиши мумкин.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 21 августда қабул қилинган "Корея Республикаси Ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларини реконструкция қилиш

яратиш имконини беради. Келажакда мамлакатимизнинг барча архивларини ягона тармоққа бирлаштириш мўлжалланмоқда.

Бугунги кунда марказий давлат архивларининг учаласида ҳам ўқув заллари очилган бўлиб, у ерда фойдаланувчилар ўзларини кизиқтираётган ҳужжатларнинг нафақат қоғоздаги, балки электрон нусхаси билан ҳам танишишлари мумкин. Бу ерда қўлланилаётган ахборот кидирув тизими ишлаш учун қулайлиги туфайли ҳар қандай фойдаланувчига керакли ҳужжати тез ва қийинчиликсиз топиш имконини беради.

Фойдаланувчиларга керакли ахборотни излашда қулайлик яратиш мақсадида марказий ва пойтахтдаги давлат архивларида инфокиосклар ўрнатилган бўлиб, уларга энг қимматли ҳужжатларнинг каталоглари ҳамда мамлакатимиз архив ишини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари киритилган. Бугунги кунда инфокиоскларга 11248 ташкилотнинг маълумот базалари, Тошкент шаҳар архивларида сақланаётган шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар ҳамда идоравий архивларда сақланаётган 2545 ташкилотнинг ҳужжатлари ҳақида ахборот жамланган.

Ўзбекистоннинг XX аср 60-йилларида бугунги кунгача бўлган тарихини акс эттирувчи ноёб ҳужжатлар тўплаган Марказий кинофотофоноҳужжатлар давлат архивида ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. Бу ерда сақланаётган ҳужжатларда давлатимиз ва жамиятимиз тараққиёт йўли ўз аксини топган.

— Марказий кинофотофоноҳужжатлар давлат архиви минтақамиздаги энг йирик ва бой архивлардан биридир, — дейди мазкур архив директори И.Абдусаломов. — Бу ерда 1837 йилдан бошлаб бугунги кунгача бўлган даврга тааллуқли барча тарихий кино, фото ва фоно-

фото ва фоноҳужжатлар билан самарали ишлаш ва уларни рақамлаштириш имконини беради. Натижада уларнинг сақланиш муддати узаяди, сифати яхшиланади, ҳужжатлар билан керакли форматда ишлаш имкони яратилади. Фотосуратлар учун юқори аниқликдаги сканерларнинг қўлланилиши натижасида хатто анча эски фотосуратлардан ҳам сифатли нусха олиш мумкин. Минглаб фотосуратлар бундай жараёндан ўтказилиб, каталогларга киритилиб, барча нусхалари серверда сақланмоқда.

Келажакда "Ўзархив" агентлиги томонидан "Архив маълумотномалари беришнинг интеграциялашган ахборот тизими" лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш режалаштирилмоқда. Мазкур тизим нотўғри архив маълумотлари бўйича пенсия тайинлаш ҳолатларини бартараф этишга қўмақлашади, берилган маълумотномаларнинг асл архив ҳужжатларига мослигини назорат қилиш жараёнининг очиқлиги ва тўлиқлигини таъминлайди. Бу янгилик архив маълумотномаларини сохталаштиришга уринишларни бартараф қилиш, ҳужжатларни ҳам архивга келиб, ҳам исталган вақтда масофадан туриб текшириш, керакли ҳужжатларни тезкорлик билан топиш, ҳужжат излаш бўйича буюртмаларнинг ижрочилари билан бево-сита алоқа ўрнатish имкониятини яратади. Энг муҳими, мутахассисларнинг иш вақти тежаллади, фуқаролар "Ягона ойна" тамойили асосида маълумот олиш имкониятига эга бўлади.

Ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши ва қўлланилиши ахборот хавфсизлиги масаласига долларб аҳамият беришни тақозо этади. Бугунги ахборот макониде турли вирусли дастурлар кенг тарқалган. Бундай хатарлардан химояланиш учун архивда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилмоқда. Учала марказий архивнинг барча компютериде вирусга қарши замонавий дастурлар ўрнатилган бўлиб, уларнинг базалари доимий равишда янгилаб борилади.

Шубҳасиз, мамлакатимизда архив ишининг янада ривожланишини замонавий ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизга
шу кунларда нишонланадиган
ҚУРБОН ҲАЙИТИ
муносабати билан энг эзгу
тилакларини йўлайди.


Азизлар!
Ушбу умидбахш кунда барчангизга
сиҳат-саломатлик, тинчлик-
хотиржамлик, хонадонларингизга
файзу барака тилаймиз!

“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ АНДИЖОН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини, жумладан,
алоқа соҳаси ходимларини
ҚУРБОН ҲАЙИТИ – ИЙД АЛ-АДҲА
билан қутлайди.

Эзгу ва гўзал амаллар сизни тарк этмасин!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қўриққонлари билан белгиланган тартибда
Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК “ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ” филиали жамоаси

Юртдошларимизни
ҚУРБОН ҲАЙИТИ
билан табриклайди.

Аллоҳ таоло юртимизга осойишталик,
халқимизга тани сиҳатлик, хонадонларимизга
файзу барака ато этсин!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
“ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни ҚУРБОН ҲАЙИТИ билан муборакбод этади.

Мамлакатимиз аҳолисини ҚУРБОН ҲАЙИТИ — ИЙД АЛ-АДҲА билан табриклайди.

Барчангизга байрам муборак бўлсин.
 Хонадонингиздан кут-барака,
 меҳр-оқибат аримасин.
 Қалбингиз имон нурлари билан тўлсин!

“ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ” ДУК жамоаси

СЕРКУЁШ ЗАМИНИМИЗ ОБОД, ДАСТУРХОНИМИЗ ТЎКИН БЎЛСИН!

Алининг жон дўсти

Қадимда бўлган экан, шундай гап ўтган экан. Айтишларича, Оқтов томонларда Али деган софдил йигит бўлиб, у кунларнинг бирида савдо сафарига бормоқчи бўлибди. Унга одамлар сафарга чиқадиغان кишининг ишончли ҳамроҳи бўлиши керак, дейишибди.

Унинг учта дўсти бор экан. Али дўстларининг қай бири унга содиқ эканини билишга қийналиб, юрт оксоқолидан маслаҳат сўрабди:
 — Бугун кечкурун дўстларинг олди-га бор-да, биридан ханжар, биридан от, яна биридан эгар-жабдук сўра. Ханжар берган дўстингга сафардан қайтгач,

кумуш ханжар қайтаришни ваъда қил. Отни олгач, биям тугса, боласини қўшиб бераман деб айт. Эгар-жабдук берган дўстингга янгисидан қўшиб беришингни таъкидла. Шундан сўнг бир ой ҳеч бирининг кўзига кўринмай тур. Қолганини эса менга қўйиб бер.
 Айтилган бир ойлик муддат тутагач,

қария Алининг дўстларини уйига қорлаб:
 — Али сафарга жўнаш олдида менга олмос кўзли узугини қолдириб "Агар сафарда бир кори ҳол юз бериб, қайтмасам шу узукни сотиб, дўстларимдан олган омонатларимни берасиз", деб таяинлаган эди. Буни қарангки, боя-кишнинг кўнгли сезган экан. Бугун Алининг ўлгани хақидаги шум хабарни бир ҳамроҳидан эшитиб, олмос кўзли узукни заргарга пуллаб келдим. Берган буюмларингизнинг нархини айтсангиз, шу пулдан тўлай. Дўстингиз у дунёга бўйнида қарз билан кетмасин.

Қарздан ортган пулига маърақасини ўтказмоқчиман, — дебди.

Ханжар берган дўсти Али сафардан қайтгач, кумуш ханжар қайтаради деган ниятда берган экан. У оксоқолга кумуш ханжар нархини айтибди. От берган ошнаси тойдан умидвор экан, бир от, бир тойнинг баҳосини сўрабди. Учинчи дўсти эса:

— Али билан кўпдан кадрон дўст эдик, эгар-жабдукдан воз кечдим, — дебди.

Бу гапларни эшик ортида эшитиб турган Али ким жон дўсти-ю ким мол дўсти эканлигини англаб етибди.

Ҳидоят ОЛИМОВА

Ҳикоят

СЎЗ СЎЙЛАШДА ВА УЛАРДАН ЖУМЛА ТУЗИШДА УЗОҚ АНДИША КЕРАК. ГАП КАНЧА ЯХШИ БЎЛСА, У ШУНЧА ҚИСҚА БЎЛАДИ.

Абдулла ҚОДИРИЙ

БИЛИМЛИ КИШИ НИМАЛАРНИ СЎЗЛАЙДИ, СЕН УНГА ҚУЛОҚ СОЛ, АДАБЛАР БОШИ ТИЛДИР, УНИ ТИЙМОҚ ЗАРУР.

Аҳмад ЮГНАКИЙ

МАНМАНЛИК ЖОҲИЛОНА КИБРУ ГУРУРДАН ПАЙДО БЎЛАДИГАН ЭНГ ЁМОН ХУЛҚЛАРНИНГ БИРИДУРКИ, КИШЕНИ ҲАР ЕРДА МАЪЮС ВА МАХЖУБ ҚИЛУР.

Абдулла АВЛОНИЙ

АГАР АДАБДА ОЗГИНА НУҚСОНГА ЙЎЛ ҚЎЙСАНГ, НИМАЙКИ ҚИЛСАНГ ҲАМ БЕАДАБЛИК КЎРИНАДИ.

Баҳоуддин НАҚШБАНД

Халқимизда сабр-қаноат хақида ривоят, ҳикоятлар жуда кўп. Зеро, бу ҳислатга эга бўлганлар пировард натижада хурсандчиликка эга бўладилар ва кўплаб ларни кўлга қиратадилар.

Қадимда икки дўстлар. Мақсадлари ўзга бўлиб, одамлар ҳаёт тар-шиш, нарх-навони би-маъқул келган бирор мам-ратни йўлга қўйиш экан.

Борибат бўлиб, ўз кучига ишонар ва боришга аҳд қилган экан. Лекин ўтиришда 4-5 кишининг овқатини ер,

овқатлардан тановул қилишга одатланган экан. Иккинчиси эса озгина овқатга ҳам қаноат қилар, қандай таом топилса, бориға шуқур қилиб еб кетаверар экан.

Улар юрт кезиб юриб, ногаҳон тухматга учрабдилар. Миршаблар уларни ўғрилқда гумон қилиб, зиндонга ташлашибди, бир ҳафта давомида ҳеч қандай егулик беришмабди. Мавжуд ахволдан полвон йигит қаттиқ азият чекибди. Биринчи кунни бир амаллаб ўтказиб олибди-ю иккинчи кунни бутунлай ҳолдан кетибди. Унинг гапирришга ҳам мажولي қолмабди ва тўртинчи кунни жон таслим қилибди. Озиға қаноат қилиб ўрганган йигит эса қийналса-да амаллаб чидабди.

Бир ҳафтадан сўнг миршаблар уни зиндондан чиқишга руҳсат беришибди. Қилган хатолари учун уэр сўраб, яхшигина пул ҳам беришибди.

"Қаноат қорин тўйдирар" деб шунга айтсалар керак-да!

Ривоят

йўлга отланибди-юртларда зи билан танилиб, ўзларига лақатда тижорат

Улардан бири полвон дўстини ҳам химоя қилиб унинг иштахаси зўр бўлиб, бир озиға қаноат қилмас, энг сара озиға эса озгина овқатга ҳам қаноат

Абсамат ака алоқа соҳасига меҳр қўйиб кам бўлмади. Бугун уни Ангорда кўпчилик билади ва ҳурмат қилади. Шундай эъзозга эришиш худди хамирдан қил суғургандай силлиқина кўчгани йўқ.

Зотан, Абсамат Нориев ҳам ўз эзгу-мақсади йўлида изланди ва хормай-толмай интилди. Мустақил ҳаёт йўли таппа-тахт эмас, балки ўнқир-чўнқирлардан иборатлигини қалбан ҳис этди. "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиалининг Ангор телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи бўлгунча кўп синовлардан ўтди.

Бунда устози Дмитрий Толкачевнинг бевараз гамхўрлиги-ю кимматли панд-насихатлари катта аҳамият касб этди, албатта. Дарҳақиқат, Тошкент электротехника алоқа институти битирувчиси ўз раҳбари айтганини қилиб адашмади. Аксинча, яхши инсонларга хос вазминлик, меҳнатсеварлик сингари бебаҳо хислатларни шакллантирган ҳолда Термиздан тувилиб-ўсган тумани — Ангорга қайтди. Ўшанда, устози тайинлаганидек, ўзини кичик тоифадаги ҳамкасбларидан устун қўйишга асло уринмади. Симёғочга чиқиш керак бўлган чови ҳеч иккиланиб ўтирмади. Олий маълумотли кадрнинг оддийлиги ҳаммага ёқди. Шу тарзда назарга тушди. Дарвоқе, А.Нориев 1996 йилдан эътиборан, Ангор телекоммуникациялар боғ-

Рақобат майдони мардларники

(Лавҳа)

ламасини бошқариб келмоқда.

Не бахтки, бу чоғ алоқа соҳасида бўлгуси ислохотлар нафаси сезила бошлаган эди. Яқинлашаётган XXI асрнинг ахборот асри бўлиши ҳақидаги гаплар тез-тез кулоққа чалина бошлади. Абсамат сеvimли соҳаси истиқболи билан боғлиқ бундай хабарлардан қанчалик суюнмасин, яқин келажак янгиликларига негир "айтишга осон" қабилида муносабат билдирар, мутахассис сифатида ислохотлар залворини ҳис этиб турар эди. Алқисса, мустақиллик шарофати Ватанимизнинг кенг имкониятлар мамлакатига эканлигини кўрсатди. Ангорга ҳам замонавий электрон рақамли телефон хизмати етиб келди, ҳозир унинг тезкор ва сифатли шарт-шароитларидан туман аҳолисининг кенг қатлами фойдаланмоқда. "Корасув" ва "Зан" сувдан фойдаланувчилар уюшмаси қишлоқлари рақамли телефон станциясига эга.

— Илгари туманимизда атиги битта алоқа корхонаси бор эди, — дейди

Абсамат Нориев юз берган ўзгаришларни таққослар экан, — энди унинг қаторига уяли алоқа компаниялари ҳам қўшилди. Рақобат майдони мижозларга энг сифатли хизмат кўрсатишга имкониятларни танлаш имконини бермоқда. Бу баҳсда бўш келмасликка астойдил интиляпмиз.

Ангор телекоммуникациялар боғламасида ҳар томонлама соғлом жамоа муҳити яратилган. Аниқроғи, бу ишхонада ҳар доим яқдил бўладиган тажрибали ва изланувчан кадрлар оқ эмас. Боғлама бош муҳандиси Сайдулла Умбаров янгиликка қизиқиши билан ажралиб турса, тажрибали электромонтёр Хуррам Бозоров зиммасига юкланган бурчга ҳамisha садоқат билан ёндашади.

Ёш, иқтидорли мутахассис Шавкат Аҳмедов касб-хунар коллежини битириб келганидан бери аҳил жамоа ҳурмати қозониб хизмат қилмоқда. У туман аҳолиси ва ташкилотларига интернет хизмати кўрсатишни йўлдан қўйишда алоҳида ўрнатқилмоқда. Яқинда Шавкатжон рақамли телевиде-



ние ва кенг поласали интернет хизмати бўйича ўқув машғулотида қатнашиб, ўз малакасини ошириб қайтди.

Муборакхон Хуррамова ҳам жамоанинг малакали ходимларидан бири ҳисобланади. У телеграфчилик касбида қарийб 30 йилдан буён самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Абсамат нафақат шундай ҳар ишга қодир ва ҳозир нозир жамоаси, балки тинч-тоғув турмуш кечираётган оиласи билан ҳам фахрланиб яшашга ҳақлидир. Уч ўғил, тўрт қизнинг отаси бугунги кунда саккиз нафар жажжи неварога ҳам суюкли бобо бўлади. Ангор телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Абсамат Нориевнинг эл юрт манфаати йўлидаги хизматлари муносиб тақдирланиб келинмоқда. Ўтган йили "Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги" нишони соҳиби бўлган эди. Яқинда истиқлолнинг 21 йиллик байрами арафасида унга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Фахрий ёрлиғи" тантанали топширилди.

Абсамат пойтахтда ўтказилган анъанавий тадбирдан меҳнатда янада кўпроқ ўрнатқилмоқда ва улғув режаларни амалга ошириш нияти билан қайтган эди. Дарвоқе, шу кунларда Ангор телекоммуникациялар боғламаси қошида ҳам "Ягона ойна" савдо шохобчаси очилиш билан боғлиқ хайрли ишлар жадал олиб борилмоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё
вилоятидаги муҳбири

Маънавий хазина

"Ўзбекистон почтаси" Фарғона филиалида обуна ишлари айна қизғин паллага кирди. Бу ҳақда обуна бўлими бошлиғи Гулнорахон РАЙКЕНОВА шундай дейди:

— Оммавий ахборот воситалари, газета-журналларнинг кундалик ҳаёти-мизда тутган ўрни беқийсдир. Шунинг учун ҳам филиалимиз раҳбари Миродил Маҳмудов бу мавсумни камчилик ва нуқсонларсиз ташкил этишни қатъий назорат остига олган. Хафталик якунлар таҳлил этилиб, навбатдаги вазифалар белгиланаётгани яхши самара бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Республика Вазирлар Маҳкамаси муассислигидаги "Халқ сўзи", "Народное слово", "Правда Востока" ҳамда вилоят ҳокимлиги муассислигидаги "Фарғона ҳақиқати" ва "Ферганская правда" газеталарига обуна, айниқса, кучайтирилди. Зеро, бу газеталар юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, эришилаётган бунёдкорлик зафарлари, мамлакатимизда ва жаҳонда юз бераётган янгиликлар, илм-фандаги ютуқларни тезкорлик билан етказишда наشرлардир. Фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтишжани қондириш, маънавиятини юксалтириш ишига обунани уюшқоқлик билан олиб бориш, наشرларни ўз вақтида етказишдек меҳнатларимиз орқали ҳисса қўшаётганимиздан фахрланасак арзийди.

Айни кунларда обуна ишларини аниқлик ва жадаллик билан олиб боришда Бешариқ, Фарғона шаҳри ва Яйпан почта алоқаси тармоқлари жамоалари ибрат намуналарини кўрсатмоқдалар. Фарғона шаҳар почта алоқаси тармоғи 17, 20, 7-алоқа бўлиmlаридан Шаҳзодадон Жўраева, Манвудохон Эргашева, Нигорахон Мансурова, Бешариқ почта алоқаси тармоғидан Маъруфжон Умрзоқов, Дилшоджон Тошпўлатов ва Камолiddин Холматовлар ҳамда

Яйпан почта алоқаси тармоғидан Ҳасанбой Хусанов каби хабарчиларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари таҳсинга арзийди. Барча шаҳар ва туманлар почта алоқаси тармоқларида шундай азму шижоат билан ишлаётганлар сафи ортиб бораётганидан хурсандимиз. Бу ҳам бўлса эл ишончу эътиборини қозонишга иштирокчиларнинг ёрқин тасдиғидир. Ўзимизнинг газетамиз — "Xabar" обунасини ҳар йилдан ҳам кўпайтириш — белгиланган режани ортиси билан удалаш ниятидамыз.

Биз фурсатдан фойдаланиб, муҳлис-ларимизнинг "Xabar" газетаси тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Шаҳзодадон Жўраева,
хабарчи:

— Мен олий маълумотли ўқитувчи бўлсам-да оилавий шароитимга кўра почта алоқаси бўлимида иш бошлаганман. Почта ишига меҳрим тушиб боргани сайин "Xabar"га ҳам меҳрим ошиб борган десам муболага бўлмайди. Қизимнинг ахборот технологиялари касб-хунар коллежига ўқишга киргани ҳам "Xabar"нинг шарофати, албатта. Келажакда ТАТУда таҳсил олиш орзусида. Газета ижодкорлигига икки оғизгина тақлифимни ҳам билдириб қўймоқчиман. Газетанинг икки саҳифаси оилада жам бўлиб ўқиб, фикр-мулоҳаза юртакдан мақолаларга бағишланса, айни муддао бўларди.

Лутфилло БОЛТАБОВ,
Фарғона шаҳар
телекоммуникациялар
боғламаси электромонтёри:

— Менга "Xabar"да спорт мавзусига кенг ўрин берилгани жуда ёқди. Бу йил "Соғлом оила — жамият таянчи" ишори остида ўтказилган мусобақаларнинг, "Ош фестивали"нинг, Лондонда бўлиб ўтган олимпиаданинг қизқарли ёритил-

ганлиги саз бўлди. Таклифга келсак, мен бутун жаҳон тан олган олтин медалли чемпиономларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида мақолалар чоп этилишини хоҳлардим.

Дилором ШУКУРОВА,
Аҳмад ал-Фарғоний номидаги
АКМ директори:

— "Xabar" ҳаётда ортда қолмайман, деган ҳар бир киши танишиб бориши зарур бўлган газета десак, асло хато қилмаган бўлаемиз. Яқинда чоп этилган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тўғрисидаги "Олтин узукдаги ёқут кўз" мақоласини олиб кўрайлик. Бу мақола нафақат биз кутубхоначилар учун, балки халқимизнинг, инсониятнинг тарихи, маънавий хазинасидан баҳраманд бўлай деган, маънавий юксакликка интилган ҳамма-ҳамма учундир. "Жаҳон кутубхоналари" руқни остида тайёрланаётган мақолалар ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Зотан, маънавий ва моддий жиҳатдан бойликларга йўл ҳам кутубхонадан бошланади.

"Xabar" ўқувчилари билан суҳбатлар мароқли кечди. Улар "Компютер билан юзма-юз", "Янги технологиялар билан янги манзиллар сари", "Биринчи ҳақер ким эди?", "Интернетда бир кун", "Компютер болалари", "Телефон тасодиф махсулими?", "Гўшанинг иккинчи томони", "Излаганингизни топдигизми?", "Анъанавий китобхонлик эскирдими?" сингари мақолаларни тилга олиб, ана шу мавзулардаги материалларни тез-тез ёритиш зарурлигини таъкидлашди. Нотариусларнинг чиқишлари, маркалар мавзуси, фойдали сайтлар кун тартибидан тушмаётганини маъқуллаш билан бирга "Хуқуқшунос маслаҳати" руқини очши мақсадга мувофиқ бўлишини айтишди.

Ҳафиза САЛҲОВА,
"Xabar"нинг
Фарғона вилоятидаги муҳбири

NAZM
GULSHANI

Соҳилда

Анхор бўйида гуллар,
Ақлу ҳушим олади.
Шўх сайроқи булбуллар,
Ёрни ёдга солади.
Ширин тебранган гуллар,
Дилни ишққа қорлайди.
Висолга интиқ диллар
Умид билан порлайди...

Ҳамдардим яна соҳил,
Тинчлик бермас ёр — оқил...

Тун

Яна сизга илиндим тузни,
Ва илиндим тунги уйқунни.
Сиз томонга тикман кўзни,
Ва ютаман ичга қайғунни.
Тунлар бунча чўзилар экан,
Отпиролмай жоним ҳам халак.
Кунлар бунча чўзилар экан,
Раҳм қилмас не учун фалак?!
Менга ҳамдард биргина сукут,
Билмам, қачон бўласиз унут...

Саодат СУЛАЙМОН ҚИЗИ



Самарқанд эшак эшиш каналида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича "Самарқанд юлдузлари" халқаро мусобақаси якунланди.



Самарқанд юлдузлари

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "Rowing & Canoe" федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган турнирда юртимиз вакиллари билан бирга Франция, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Венесуэла, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларидан келган спортчилар катнашди.

Мусобақанинг биринчи кунда ўсмирлар ва катта ёшдаги байдаркачи ва каноэчилар яккалик, икки ва тўрт кишилик қайиқларда 1000 метр

масофада беллашди. Ушбу баҳсларда юртимиз вакиллари энг кўп медалларни қўлга киритишди.

Иккинчи ва учинчи кунларда спортчилар 500 ва 200 метр масофада ўзаро мусобақалашди. Бу беллашувларда асосан ҳамюртларимиз билан бирга Жанубий Корея, Ҳиндистон ва франциялик эшакчилар голиблик учун астойдил ҳаракат қилдилар. Софья Емельянова, Екатерина Заркова, Серик Мирбеков, Мирзиёв Хожиев, Александр Тихонов, Владислав Патофеев каби

вакилларимиз шохсупанинг юқори поғонасидан жой эгаллади.

Турнирнинг якуний мусобақаси — байдарка ва каноэда 5000 метр масофани босиб ўтиш баҳслари ҳам кескин курашларга бой бўлди. Қизлар ўртасидаги беллашувларда ҳамюртлимиз Мария Горн маррага биринчи бўлиб етиб келди. Шунингдек, маҳоратли байдаркачиларимиз Алексей Мочалов биринчи ва Сергей Борзов иккинчи ўринни эгаллади.

Халқаро мусобақа давомида спортчилар 88 медаллар жамланмаси учун кураш олиб борди ва бунда юртимиз вакиллари яққол етакчилик қилди.



Артур Таймазов

Осиё Олимпия кенгашининг мукофотини олади

Осиё Олимпия Кенгаши (ООК) "ООК Олимпия мукофоти" махсус совринини таъсис қилди. У XXX Лондон Олимпиадаси ўйинларидаги юксак спорт ютуқларига эхтиром белгиси сифатида Осиёнинг энг яхши спортчиларига топширилади.

Ушбу мукофотнинг бўлғуси соҳиблари орасида Ўзбекистон вакили, уч карра Олимпиада чемпиони Артур Таймазов ҳам бор.

ООК Осиё минтақаси мамлакатларидан Олимпиадада олтин медални қўлга киритган, жаҳон ёки Осиё рекордини ўрнатган бир нечта спортчиларни танлаб олди. Мукофотлар шу йилнинг ноябр ойида Хитойнинг Макао шаҳридаги Бош Ассамблея доирасида ўтказилган тантанали кеча давомида топширилади.


Артур Таймазовнинг номи нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон спорти ва Олимпия ҳаракати тарихига ҳам кирди. У 120 кг. гача бўлган вазн тоифасида Олимпиада ўйинларида учта олтин медални ва эркин кураш бўйича мусобақаларда битта кумуш медални қўлга киритган ягона спортчи ҳисобланади. Таймазов — уч карра Осиё ўйинлари чемпиони, турли халқаро турнирларнинг кўп карра голиби. Бугунги кунда ёш спортчилар учун эркин намуна ҳисобланади.

Гимнастикчиларимиз муваффақияти

Санкт-Петербург шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган анъанавий халқаро турнирда дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан эллик нафарга яқин спортчи голиблик учун куч синашди.

Спорт гимнастикасининг турли йўналишлари бўйича спорт усталигига номзод ўсмирлар ўртасида ҳамюртлимиз Абдулла Азимов биттадан олтин, кумуш ва бронза медални қўлга киритди. Умидли спортчимиз кўпкураш бўйича кучли тўртликдан жой олди. Ўзбекистон кубоги мусобақаси голиби Отабек Машарипов эса спорт усталари ўртасида битта кумуш ва иккита бронза медал билан тақдирланди.

Яна бир ҳамюртлимиз Елена Рега спорт усталари ўртасида эркин машк бажариш дастурида бронза медални қўлга киритди.



"Бунёдор"

имкониятни бой берди

Осиё Чемпионлар лигаси ярим финал ўйинлари доирасидаги "Бунёдор" ҳамда "Улсан Хёндэ" клублари ўртасидаги учрашув 1:3 ҳисоби билан корейликлар фойдасига хал бўлди.

Дастлаб Жавлон Иброҳимов 5-дақиқада чиройли тарзда гол уриб ҳисобни очди. Кейин эса гол уриш навбаги "Улсан" футболчиларига етди. Рафиня 31-дақиқада ҳисобни тенглаштирган бўлса, Ким Шин Вук 53-дақиқада жамоасини олдинга олиб чиқди. Ли Кун Хо 72-дақиқада учинчи голни ҳам киритди.

"Бунёдор" (Ўзбекистон) — "Улсан Хёндэ" (Жанубий Корея) — 1:3 (1:1)

Голлар: Жавлон Иброҳимов, 5 - 1:0. Рафиня, 30 - 1:1. Ким Шин Вук, 53 - 1:2. Ли Кун Хо, 76 - 1:3. Жавоб учрашуви 31 октябр куни Жанубий Кореяда бўлиб ўтди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўрин

Россиянинг Анапа шаҳрида универсал жанг бўйича ўтказилган жаҳон биринчилигида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари жами 14 медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.



25 мамлакатдан 300 нафарга яқин спортчи куч синашган мусобақада терма жамоамиз аъзоларидан тўрт нафари — Азамат Баҳодирзода, Ширинбек Собиров, Азамат Маҳмадиев ҳамда Шаҳзод Азизов олтин медалга сазовор бўлди.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари мусобақада яна уч кумуш ва еттита бронза медални қўлга киритди.

Халқаро турнир шохсупасида

Украинанинг Симферопол шаҳрида ўтган халқаро турнирда икки олтин, битта кумуш ва учта бронза медал жамғарган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари умумжамоа ҳисобида кучли учликдан жой олди.

Вазни 52 килограммгача бўлган боксчилар мусобақасида рингга чиққан жаҳон чемпиони совриндори Жасурбек Латипов украиналик Мурад Аловни муддатидан олдин, туркменистонлик Зариф Жумаевни 15:6, қозоғистонлик Анварбек Бойжоновни 9:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, олтин медал билан тақдирланди.

49 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда катнашган иктидорли ёш боксчимиз Жаҳонгир Курбонев эса мезонлардан Дмитро Гречко, Рефат Ажиусманов ва туркиялик Муҳаммад Унлу устидан зафар кучиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Шаҳрам Ғиёсов кумуш, Осиё чемпиони Санжар Раҳмонов, Қобилжон Бобожонов ҳамда Бобур Лайтбоев бронза медалга сазовор бўлди.

Сканворд

Кинолаҳза	Шаҳар (Германия)	Катта хона	Қизил балиқ	... Мюн-хаузен
Теле сериал	Еттинчи сайёра	Қулоқ, бурун, томоқ		Беларус юк автоси
Эски ёзув		Туркия валютаси	Балиқ тури	
Гладиатор қилчи	Чиқиш қийин	Ит зоти	Мўтабар	
				Боғловчи сўз
Мева		Хазина, ресурс	Осиё ва Европани ажратди	... йул
Тиниш белгиси	Ўт очиш қуроли русуми			
		Грек футбол клуби		
Ноталар уйғунлиги	Спорт анжومي			Бош ижрочи директор
		Ҳақиқий, чинакам		
Ҳидсиз, рангсиз газ тури	0,405гектар (ингл.)		Шамол	
		N (кимё)		

ҚОРА ЗИРК



Зирк (қорақанд, русча номи "барбарис продолговатый") кўпгина хасталикларга даво сифатида қадим замонлардан халқ табибатида фойдаланиб келинган. Мамлакатимиз ҳудудида унинг ўн иккига яқин тури учрайди, халқ табибатида эса саккиз хили кенг қўлланилади. Зиркнинг энг кўп ишлатиладиган тури учта бўлиб, улар қора, қизил ва оддий зирклардир. Табибатида зиркнинг илдизи, барги ва мевасидан дориворлар тайёрланади.

Бундан ташқари, у тош бўлганда пайдо бўлувчи оғриқларни енгиллатувчи ҳамда ўт хайдовчи восита ҳамдир.

Қора зирк мевалари халқ табибатида асаб фаолияти сустлашганда, юрак қувватсизланганда, сариқ касаллигида, хафакон дардини даволашда қўлланилади. Шунингдек, иситмани туширувчи, чанқоқ қолдирувчи, иштаҳа уйғутувчи, ўт хайдовчи, ич сурувчи ва яллиғланишнинг олувчи хусусиятлари бу неъматнинг беазирлигидан далолатдир. Илдизидан тайёрланган қайнатма халқ тилида "қиеми зирк" деб аталади ва бод, ревматизм, ошқозон-ичак ва кўз касалликларида яхши самара беради. Оғиз бўшлиғи касалликларида эса у билан чайиш яхши наф беради. Бундан ташқари, шамоллашда терлатувчи восита сифатида қўлланилади. Шунингдек, хафакон (гипертония) ва аёллар жинсий аъзолари яллиғланишида ҳам яхши даводир. Баргидан тайёрланган дамба талоқ шишида, жигар хасталикларида қўлланилган. Илдизининг пўстлогидан тайёрланган дамбама ўт тоши, бўйрак хасталикларида фойда беради.

Халқ табибатида зиркдан қуйидагича фойдаланилган:

● Қора зирк баргларида 1:10 нисбатда тайёрланган дамба яллиғланишига қарши ҳамда ўт хайдовчи доривор сифатида овқатдан олдин бир ош қошиқдан кунига уч-тўрт маҳал ичилади, ўз самарасини кўрсатади.

● Зирк пўстлоғи ёки ёши новдаларини олиб, устидан ботиб турадиган даражада сув қуйилади. Сўнгра ўттиз-қирқ дақиқа қайнатилади. Қайнатма тайёр бўлган тоза идишга қуйиб олинади ва тиндирилади. Шундан сўнг бу қайнатма кунига эки қуруқ зирк экстракти ҳосил бўлгунга қадар наст оловда яна қайнатилади. Ҳосил бўлган доривордан синган суякларни даволашда ҳамда бўғим ва мускуллар оғриганда нўхатдек ёки бугдой дошидек миқдорда олиниб, кунига икки-уч маҳал ичиш тавсия қилинади.

● Қора зирк меваларидан икки ошқошиқ чорак литр суга солинади ва қайнатилади. Йиғирма ўттиз дақиқа қайнагач, дамба қуйилади. Сўнгра сувлиб олиниб, сурункали ўт пуфаги яллиғланишининг ремиссия даврида овқатдан олдин ярим ёки бир пиеда миқоридан кунига икки-уч маҳал ичилади.

Ибн Сино ўз тажрибасида қора зиркин заҳар кучини кесадиган, жароҳатлар битишини тезлаштирадиган, қон кетишини тўтатадиган восита сифатида ишлатган.

Замонавий тиббиёт зиркдан тайёрланган дориворларни ўт пуфагининг айрим хасталикларида ишлатади.

Агар...

MUTAXASSIS MASLAHATI

- **Тиш оғриси:** оғриётган тишингиз томонидаги қулоғингизга зубтурум илдизини ярим соатга қуйиб қўйинг. Ярим соатда тиш оғрини қолади.
- **Ҳикичоқ гутса:** нафас олмай туриб, қўлларингизни орқада ушлаб турингда, стол устида турган сувдан бир неча қултум ичинг, хикичоқ таққа-тақ тўхтайд.
- **Оёқ қадок бўлса:** бир бош пиёзни кучли сиркага уч-тўрт кунга солиб қўйинг. Кейин пиёзнинг бир қаватини олиб, кечаси қадок бор жойга латта билан боғлаб қўйинг. Қадоғингиз бутунлай йўқолиб кетади.
- **Ари чакса:** ари ёки асалари чакқан жойни хўлланган туз билан яхшилаб ишқалаб артинг. Пиёз ёки саримсоқ суви ҳам оғриқни дарров қолдиради.
- **Бош оғриганда:** пешона ва чаккага ачитилган карамни боғлаб қўйинг. Янги лимон пўчоғини ичидан оқ пардасини олиб ташлаб, чаккангизга қўйинг.
- **Сўғалнинг давоси:** пиёзни туз билан ззиб сўғалга қўйинг. Янги саримсоқ бўтқасини боғлаб қўйинг. Хар кун бир неча марта эрмон (шувок) дамламаси ёки қайнатмаси билан артиб туринг. Кичкина сўғаллар момақаймоқ (қоқиўт) сувини суртсангиз ҳам кетади.
- **Кўкрак қисса:** мабодо кўкрагингиз қисиб, хансираб турган бўлсангиз, саримсоқ билан асал тановул қилинг. Бир литр асал, ўн дона лимон, беш бош саримсоқ (бўлаги эмас) олинг. Лимонни сиқинг, саримсоқни тозалаб ювиб, кирғичда қиринг ёки гўшт майдалагичдан ўтказинг. Хаммасини битта идишга солиб, яхшилаб аралаштирингда, устини ёпиб, салқин жойга бир ҳафтага қўйиб қўйинг. Кейин хар кун бир маҳал 4 чой қошиқдан аста-секин, шошилмасдан хар қошиқ орасида бир дақиқадан дам олиб, тановул қилинг.



Табриклаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Янгиқўрғон почта алоқаси тармоғи ходими Икромжон ҚОСИМОВни 50 ёши билан чин дилдан табриклайди. Унга энг эзгу тилакларни йўлайди.

Дадам чипта қидиряпти



Стадионда ўтирган бола-кайдан атрофдагилар сўради:
 — Той бола, жуда қиммат жойга ўтириб олибсан. Пулин қандай тўлади?
 — Бу ерга чиптани мен эмас, дадам олган.
 — Дадангнинг ўзи қани бўлмаса?
 — Уйга кетган, чипта қидиргани.

<p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>	<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАҲМУДОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шомансур АБИДХОДЖАЕВ, Суван НАЖБИДДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66; 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz Обуна индекси — 228.</p>
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғричилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>	<p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Усмонжон ЙҮЛДОШЕВ.</p>
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума куни чиқади</p> <p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>Г-1052 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 13851 нусха.</p>
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>	<p>Андижонда 226-47-80</p> <p>Бухорода 223-27-85</p> <p>Гулистонда 40-12-19</p> <p>Жиззахда 226-06-34</p> <p>Навоийда 225-91-10</p> <p>Наманганда 232-97-86</p> <p>Нукусда 554-35-45</p> <p>Самарқандда 233-61-81</p> <p>Термизда 224-06-12</p> <p>Тошкентда 288-40-66</p> <p>Урганчда 226-37-16</p> <p>Фарғонада 224-91-56</p> <p>Қаршида 931-08-99</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 20.00.</p>